

Бунёдкорлик лойиҳалари тақдимот қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Тошкент вилоятида амалга ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Улардан бири — Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, “Тошкент-Шарқий” аэродроми яқинида 155 гектарлик боғ барпо этиш лойиҳаси. Уни ишлаб чиқишда дунё мегаполисларидаги машҳур паркларнинг ландшафти, кулайликлари ўрнатилган. Бу боғ фақат дарахтзор, бута ва гуллардан иборат ўзига хос дендропарк бўлиши кўзда тутилган. Бу пойтахтимиз экологиясига катта таъсир кўрсатадиган, аҳоли ва меҳмонлар сайр қиладиган “яшил худуд” бўлади.

Ўртасидаги Осиё ўйинлари Тошкентда ўтказилади. Унда қиёматидидаги 45 та мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича баҳслашади. Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба ўтказилади. Давлатимиз раҳбари бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч эканини, ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаган эди.

Шунингдек, Қибрай туманининг ушбу худудда 2 та университет, шифохона, экспо, савдо ва кўнгилочар марказ бинолари жойлаштирилиши назарда тутилмоқда. Президент лойиҳаларни сифат ва қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш, иншоотларни қуришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Нурафшон мамлакатда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

Нурафшон — келажак шаҳри



Нурафшон — келажак шаҳри. Бугун бу ерда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қай бир маҳалласи ва гўшасига борманг, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига гувоҳ бўласиз. Бинобарин, қайси соҳани олманг, фидойи, меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ топмоқда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини таъминлаш мақсадида:

ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Стратегия мамлакатнинг сув ресурсларини барқарор бошқариш ва ирригация секторини такомиллаштиришни қамраб оладиган бир қатор инфратузилмавий, сиёсий, институционал ва салоҳиятни ривожлантириш чораларини ўз ичига олади, унинг доирасида:

ирригация тизими каналларининг бетон қопламали қисми 35 фоиздан 38 фоизгача ошиши, ирригация тизими ва сўғориш тармоқларининг фойдаланиш кoeffициенти 0,63 дан 0,66 гача ошиши;

электр энергияси истеъмоли 7,6 миллиард кВт.с.дан 7,15 миллиард кВт.с. гача камайтирилиши;

сувни тежайдиган сўғориш технологияларини жорий қилиш 308 минг гектардан 1,1 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилатиб сўғориш технологияси 121 минг гектардан 822 минг гектаргача етказилиши; шўрланган майдонлар 1 926 минг гектардан 1 888 минг гектарга, шу жумладан, ўртача ва кучли даражада шўрланган ерлар 581 минг гектардан 532 минг гектаргача қисқартирилиши; ер ости сув сатҳи муаммоси ҳолатида (0–2 метр) бўлган сўғориладиган ер майдонлари 988 минг гектардан 900 минг гектаргача камайтирилиши; қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган жами 232 минг гектар сўғориладиган ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилиши; дарё ва сойларда 6 та гидрологик пост қурилиши ва қайта тикланиши, 6 та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланиши;

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш — ҳаётини зарурат



Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири

Президентимиз раислигида 24 февраль куни қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида экинлардан олинадиган даромадни кескин кўпайтириш ва сувдан оқилона фойдаланиш тармоқда энг асосий масала бўлиши кераклиги таъкидланди.

Мамлакатимизда сув етишмовчилиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга тобора мураккаб тус оляпти. Буни юртимизда охириги ўн йилда сув ресурслари ҳажми 12 фоизга, 2020 йилда аввалги йилга нисбатан 15 фоизга камайганлиги ҳам тасдиқлайди.

Бу йил сўғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда республикамизни сув билан таъминлайдиган барча сув омборла-

ридаги захира 2020 йилга нисбатан 5 миллиард куб метрга камлигини кўрсатмоқда. Шундай бир шароитда сув исрофига умуман йўл қўймаслик ҳаётини заруратга айланиши табиий. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатиладиган сув ресурсларини камда 12 миллиард куб метрга иқтисод қилиш вазифаси қўйилмоқда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 февраль куни қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Экинларни оқилона жойлаштириш ва илм билан етиштириш орқали бу йил ҳар бир гектардан олинадиган даромадни 5 минг долларга етказиш мақсади белгиланган.

Фориш ва Эллиқалъа туманларида винобоп узум навларини ўстириш мумкин. Булоқбоши туманида саримсоқлиёздан яхши даромад олиш, хонадонларга имтиёзли кредит бериш орқали йилга 1 минг тонна экспортбоп узум етиштириш имконияти бор.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида боғ, ток ва иссиқхона учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати 3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли даври эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади.

Ҳар бир вилоятда камда 100 гектар майдонда худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос интенсив кўчатчилик хўжаликларни ташкил этилади. Маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан уруғ ва кўчат сотиб олинганда, бунга кетган маблағнинг 20 фоизгача қисми тўлаб берилади.

Аграр тармоқни барқарор молиявий ресурслар билан таъминлаш учун бу йил қишлоқ хўжалиги жамғармасига 24 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Йил якунига қадар 3 миллион гектар сўғориладиган ерлар мониторингинг, тупроқ таркиби ва экинлар ҳақидаги маълумотларни мужассам этган ахборот тизимини йўлга қўйиш топширилди. Бу мақсадларга халқаро молия ташкилотларининг 10 миллион доллари йўналтирилади.

Жорий йил сўғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилмоқда. Шу боис сув исрофига умуман йўл қўймаслик ҳаётини зарурат.

430 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали 3 миллиард кубметр сувни иқтисод қилиш мумкин.

Сув ҳўжалиги вазирига 3 мингдан зиёд насосларни таъмирлаш ва янгилаш, насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфини “онлайн” мониторинг қилиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бу йил 1 июлдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги бўлмаган чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва балиқчилик хўжаликларига етиштирган маҳсулоти учун бюджетдан субсидия ажратилиши таъкидланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА
ИРРИГАЦИЯ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
2021-2023 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Бошланishi 1-бетда

“Smart Water” (“Ақлли сув”) рақамли технологияси асосида сувнинг ҳисоби юритилидиган сув ҳўжалиги объекти-лари сон 18 576 тагача етказилиши; 60 та йирик сув ҳўжалиги объекти рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилиши;

Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги 1 688 та насос станциясидаги 5 231 та насос агрегатининг электр энергияси истеъмоли ва сув сарфи ҳисобининг мониторинги “онлайн” режимда олиб-борилиши;

мавжуд мелiorация кузатув кудўқларининг 2 100 тасида рақамли технологиялар орқали мониторинг олиб-борилиши;

сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида жами 124 та лойиҳа амалга оширилиши, суғориш учун сув етказиб бериш харажатларининг 9 фоизи сув истеъмоллари томонидан қопланиши таъминланади.

3. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор билан тасдиқланган **Стратегия ва унда белгиланган тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида баҳарлилини таъминласин.**

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ганиев икки ҳафта муддатда мазкур қарор доирасида 2021 йил учун назарда тутилган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллини қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Молия вазирлиги (Қ.Х.Тарпов), Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Стратегияга 2 ва 13-иловаларга қўра амалга ошириладиган тадбирлар келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда 2021-2023 йилларда **Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида инobatга олинатири;**

Стратегияга 1-та, 3-6, 8-10, 12, 14 ва 17-иловаларга қўра, 2021-2023 йиллар учун белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар қўшимча равишда ажрати-лиши келгуси йиллар **Давлат бюджетни параметрларида назарда тутили-шини таъминласин.**

5. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Стратегияга 2, 3, 13 ва 14-иловаларга мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари доирасида ирригация-мелiorация тадбирларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялар қўлланилишини назарда тутсин;

ирригация-мелiorация объекти-ларини қуриш ва реконструкция қилиш иш-ларига маҳаллий пудрат ташкилот-ларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

6. 2021 йил 1 октябрга қадар этилен полимерлари (ТИФ ТН коди 3901) ва пропилен полимерларини (ТИФ ТН коди 3902) олиб киришда **божхона божининг ноль ставкаси белгилансин.**

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш. Қудратов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллини қисқарти-риш вазирлиги (И.И. Нурқуллов) ва Энергетика вазирлиги (Ш.Х. Ходжаев) билан биргаликда республикада ишлаб чиқарилаётган **полиэтилен махсулотининг экспортини 40 минг тоннага қисқартириш эвазига унинг ички бозорда биржа савдолари орқали сотилаётган қисmini ошириш чораларини кўрсин.**

8. “Ўзбекистон республика товар-хона-ашё биржаси” АЖ (З.Б. Бадриддинов) **политизлен ва полипропилен махсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўрсин.**

Бунда, “Ўзбекистон республика товар-хона-ашё биржаси” АЖга ушбу бандда назарда тутилган махсулотларни биржа орқали сотувчи хорижий компаниялар (норезидент) учун савдоларга

қатнашишда **закалат суммасини киритиш талабини бекор қилиш ҳамда биржа комиссияси йўқлигини озод қилиш тавсия этилсин.**

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д. Вахабов) Бош прокуратура (Ш.Ж. Рахимов), Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда **сув танқислиги шароитида экинларни кўлатиб суғориш ва сувни зовурга ташлаб қўйишнинг ҳар бир ҳолатини фавқуллода ҳолат сифатида баҳолаб, сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш, сув истеъмоли тартибига қатъий риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганларга нисбатан кескин чоралар қўриб борсин.**

10. Белгилансинки, 2021 йилдан бошлаб, **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари доирасида ҳар йили суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни таъмирлаш-тиклаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан вилloятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилади.**

2020 йилда ташкил этилган эксперимент ижобий натижа берганлиги сабабли “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 13-моддасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида объектлардаги таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (У.М. Мустафоев) 2021 йил 1 июлга қадар Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги **барча насос станцияларига автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатиш ишларини аяқуласин.**

Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилloятлар ҳокимликлари билан биргаликда сув ҳўжалиги тизими ташкилотлари ҳисобидaги **юқори кучли электр подстанциялари ҳамда электр узатиш тармоқлари электр энергияси етказиб берувчи “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти балансига икки ой муддатда штат бирликлари билан бирга тегишлилиги бўйича ўтказили-шини таъминласин.**

12. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қўшлоқ ҳўжалиги вазирлиги (М.И. Рўзметов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридaги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев) ва “Ўзбеккосмос” агентлиги (Ш.М. Қодиров) билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини баҳолаш, мониторинг олиб бoришда **ахборот-коммуникация технологиялари, геоахборот тизимлари, масофадан зондлаш технологияси ва учувчисиз учиш қурилмаларидан кенг фойдаланилишини таъминласин.**

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Қўчматов), Ўзбекистон Миллий телерадиоконмпанияси (А.Д. Хаджаев):

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда аҳолининг сувни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш борасидаги **ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида, оммавий ахборот воситалари орқали мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактабларида ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил қилинишини;**

Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган тадбирларнинг ижроси натижасида эришиладиган ютуқларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегиянинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан **парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;**

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилloятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чорақда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилloят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб бoрили-шини таъминлаш тавсия этилсин.

15. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров), “Ўзгидромет” маркази (Ш.Х.Хабибуллаев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилloятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар кейинги йилларда сув таъминоти ва сувдан фойдаланишни таҳлил қилган ҳолда 2021 йил ёзи суғориш мавсумида қутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшлатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

16. Бош вазирнинг ўринбосари Ш.М. Ганиевга тасдиқланган ирригация ва мелiorация объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг **манзилли рўйхатларига уларнинг қиймати ва қуввати доирасида, зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.**

17. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), “Ўзгидромет” маркази (Ш.Х. Хабибуллаев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов):

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев) билан биргаликда **2021 йил 1 июлга қадар сув ва сувдан фойдаланишга доир маълумотлар базалари ҳамда мониторинг тизимларининг рақамли технологиялар асосида такомиллаштирилишини ҳамда сув ресурсларининг автоматлаштирилган идораларо ахборот тизимининг босқичма-босқич ишга туширили-шини таъминласин;**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И.Мақсудов) билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш бўйича харакатлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон қарори билан тасдиқланган Божхона божларидан озод этилаётган четдан олиб кириладиган уруғлар, кўчатлар ва пайвандаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари рўйхатига **2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.**

19. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: **икки ой муддатда қонун ҳужжатлари ишга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни;**

2023 йил 1 сентябрга қадар Стратегия доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган натижалар бўйича батафсил ахборотни, шунингдек, 2021-2023 йилларда йўл қўйилган камчиликларни инobatга олиган ҳолда, **Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси лойиҳасини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳофаза қилиб бoриш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорақ аяқини бўйича ахборот бeриб бoрилсин.

МУНОСАБАТ

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



Мирзатилло ТИЛЛАБОВЕВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқи мамлакатимиз аҳолиси ва халқро жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Зеро, ушбу маърузада нафақат халқимиз, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қилadиган қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Айтиш керакики, бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш дунёда инсон ҳуқуқлари масалаларига ечим

Иккинчидан, Президентимиз томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида 7 та устувор йўналиш белгиланиб, 18 та аниқ ташаббус билдирилди.

Учинчидан, билдирилган тақлиф ва ташаббуслар, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларига қаратилган, яъни аёллар, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кўзда tutади.

Тўртинчидан, нутқда парламент, ҳукумат, суд ҳокимияти ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдида инсон ҳуқуқлари соҳасида турган муҳим вазифалар, жумладан, оид сулово ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантириш ҳамда қўшниқларнинг олдинди олиш бўйича истиқболда амалга ошириладиган ишлар белгилаб берилди.

Бешинчидан, нутқда илгари сурилган ташаббуслар бевосита Ўзбекистон ва БМТ доирасидаги икки томонлама ҳал этиладиган масалалар билан биргаликда минтақавий ва глобал даражада кенг халқро ҳамкорлар билан амалга оширилиши талаб этилади.

Олтинчидан, илгари сурилган барча тақлиф ва ташаббуслар БМТ доирасида амалга ошириладиган муҳим воқеалар ва тадбирлар билан бевосита боғлиқ ҳолда тақдим этилди. Жумладан, “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили, фуқаролиги

Ўзбекистоннинг истиқболдаги мажбуриятлари ва режалар ҳақида батафсил баёнот берди. Ушбу мажбуриятлар 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби доирасида амалга оширилиши таъкидланди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизга эътибор қаратилди.

Шуни таъкидлаш керакики, бугунги кунда “Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” доирасидаги вазифаларни бажаришга аллақачон киришилган. Эндиликда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссияси бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш, шунингдек, ушбу соҳада ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон томонидан муносиб ҳисса қўшилиши тақлифлари билдирилиши бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга кўтаради.

Президентимиз бу йил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганнинг 10 йиллиги кенг нишонлинини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бугунги кунда БМТга аъзо 20 дан ортиқ давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий харакатлар дастурлари қабул қилинган. Бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масаласига эътибор изчил кучайиб бораётганини кўрсатади.

Бу декларация қондаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий харакатлар дастури парламент томонидан тасдиқланган. Бу борада ишлаб чиқилган “йўл харитаси”даги тадбирлар тизимли равишда бажарилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари бўйича хуқуқлари ва бола ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини, шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари оид халқро ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича қўшма магистратура йўналишини (консорциум) жорий қилиш борасидаги амалий ишлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузурда инсон ҳуқуқлари бўйича фан доктори (DSc) ва инсон ҳуқуқлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун илмий кенгаш очилди. Инсон ҳуқуқлари ривожлантириш ва бола ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Миллий марказ томонидан халқро ва миллий ҳамкорлар билан биргаликда “Инсон қадр-қиймати — энг олий қадрият” махсус ўқув модули ишлаб чиқилиб, 500 дан ортиқ судья ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходими ўқитилди. Ўқув жараёнида БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти етакчи экспертлари жалб қилиниб, қарий 40 та онлайн вебинар ташкил қилинди.

Бир суз билан айтганда, Ўзбекистон халқро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принциплар ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва бу борада зиммасига олган халқро мажбуриятларни бажариш йўлидаги эзгу ишлар изчил давом эттирилади.



топадиган глобал марказга айланган бўлиб, унинг кун тартибидан фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон илк бор 2021-2023 йиллар даврига мазкур кенгаш аъзоси этиб сайлангани мамлакатимизда сунгги тўрт йилда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотлар халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг ёрқин далили бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг юқори даражадаги сегментини доирасида давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб тингланди. Шунингдек, ушбу нутқ илм марафата инсон ҳуқуқлари бўйича дунё пойтахти бўлиши Женева шаҳрида ўзбек тилида янгради.

Ушбу нутқни “инсон ҳуқуқлари бўйича маъруза” деб ҳам таърифлаш мумкин. Бунга бир неча асос мавжуд.

Биринчидан, нутқда БМТ Бош қотиби А.Гутерриш томонидан эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари йўлида харакатга даъват” ташаббусида эътироф этилган йўналишлар қамраб олинди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Усмонжон БЎТАЕВ, “Истиқбол” тадқиқот маркази ННТ раҳбари

Шу йил 22 февралда Женева шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Президентини иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари унда мамлакатимизда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришни янги сиёсий курси бошланганини таъкидлади. Шу билан бирга, концептуал, стратегик ва халқро аҳамиятга эга бўлган бир қатор муҳим ташаббуслар илгари

бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича тақлиф, Болалар меҳнатига барҳам бериш халқро йили ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллиги доирасида янги ташаббуслар янгради.

Еттинчидан, ушбу нутқда белгилаб берилган янги вазифалар Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги вазифалар билан ҳамохандир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари мамлакатимиз томонидан 2019 йилдаги сайлов жараёнида эълон қилинган “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларда тақдим этиладиган Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” бевосита амалиётга татбиқ этилаётганидан далolatдир. Шунин билан, Ўзбекистон тақдим этган “Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар”да мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлар ва амалга ошириладиган ислохотлар билан бирга бу борада келгусида бажарилadиган вазифалар ҳам ўз аксини топган эди.

Давлатимиз раҳбари ўз қиймишда халқро, минтақавий ва миллий доираларда

Сунгги икки йилда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўра, ННТ лар E-npo.uz сайти орқали адлия органлари билан боғлиқ барча хизмат ва алоқаларни электрон шаклда амалга ошириш имконига эга бўлди. Худудларда ННТ лар учун Нодавлат нотижорат ташкилотлар уйлари ташкил этилди. Улар жой учун ижара ҳақи тўламайди. ННТ ларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат бoжи ставкалари 2 баробарга қисқартирилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида давлатимиз раҳбарининг нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида кодекс қабул қилиш юзасидан билдирган фикри эътиборга молик. Бу, ўз навбатида, янги Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларга қатъий амал қилаётганидан далolat бeради.

Миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш мамлакатимизнинг халқро иммижи ҳамда “миллий бренд”ни мустаҳкамлашда. Ҳуқуқий демократик давлатнинг стратегик вазифаси — инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш таъминлашдир. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш таъминлаш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

НУРАФШОН — КЕЛАЖАК ШАҲРИ

Биринчи "ақлли" шаҳарча

Шу кунларда Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрининг иқтисодий ривожига тарихий янгиликлар...

турдаги ёпиқ лотоклар ўрнатилиб, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу ҳудудда умумий қиймати 782 миллиард 500 миллион сўмлик 41 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Нурафшон шаҳрини юртимиздаги илк "ақлли шаҳар"га айлантиришга оид концепцияга мувофиқ, кенда маъмурий бинолар, замонавий турар жойлар...



Истиқболли лойиҳалар

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга биноан, шаҳардаги ичимлик сув тизимини яхшилаш мақсадида "Наврўз" ва "Эвалак" маҳаллаларида 2 та вертикал насос станцияси қурилди.

Етти қаватли уй "Санотқурилиш-банк"нинг Тошкент вилояти минтақавий филиали ходимлари учун қурилган. 72 та хонадон иборат мазкур турар жойларини ҳам бирров кўздан кечиришни унутмадик.

Эҳ-ҳе, тафовут жуда ҳам катта. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, томлари эскириб, деворлари нураб кетаётган эски уйлар қаёқда-ю, етти қаватли, улғувор ва муҳташамлиги билан ажралиб турадиган замонавий бинолар қаёқда.

Истиқболли лойиҳалар

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга биноан, шаҳардаги ичимлик сув тизимини яхшилаш мақсадида "Наврўз" ва "Эвалак" маҳаллаларида 2 та вертикал насос станцияси қурилди.

Тошкент йўли кўчаси бўйлаб биноларни жойлаштириш таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳада йўл ўқидан 54 метр масофада қурилиш чизиги бўйлаб 172 та объект жойлаштирилган.

қанча ишлар амалга оширилди. Пандемия туфайли жорий йилда ушбу дастур молиялаштирилмаган бўлса-да, "Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК томонидан маҳаллий бюджетнинг 1,3 миллиард сўм маблағи ҳисобидан шаҳарнинг 3,1 километр ички кўчаларини асфальт қилиш белгиланган.

Тошкент йўли кўчаси бўйлаб биноларни жойлаштириш таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳада йўл ўқидан 54 метр масофада қурилиш чизиги бўйлаб 172 та объект жойлаштирилган.

Шаҳардаги бунёдқорлик жараёнлари, аҳолига яратилаётган қўлайликлар, амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, мазкур маскан тобора улғуворлик касб этаётганига, иқтисодиёт тармоқларининг эса жаҳон андозаларига мос тарзда изчиллик билан ривожланаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Агар бу истиқболли лойиҳалар тўлиқ қуриб битказилса, Нурафшон ўз номига муносиб нурлар таратуви, гўзаллик улашувчи обод ва гўзал ҳудуд бўлиши, шубҳасиздир.

Тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмида "Smart city" марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши жараёнлари билан танишдик.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги "Оила институти янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 8 февраль куни Нурафшон шаҳрида "Оила мактаби" биноси очилди.

Бу маскан келажакда нурафшонликларнинг оила маънавияти ва тарбияси соҳасидаги билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди "Дегантепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хадича Саматова.

Агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, маҳаллада, юрда тинчлик ва ҳамжihatликка эришилади. Маҳалла, юрт мустақкам бўлса, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ха, Нурафшон — келажак шаҳри. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун бу ерда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қай бир маҳалласи ва гўшасига борман, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига гўвуҳ бўласиз. Бинобарин, қайси соҳани олманг, фидойи, меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ топмоқда.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Тошкент йўли кўчаси бўйлаб биноларни жойлаштириш таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳада йўл ўқидан 54 метр масофада қурилиш чизиги бўйлаб 172 та объект жойлаштирилган.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Бу мақсадга эришишда энг мақбул чора пахта ва бошоқли дон экинлари, боғдорчилик хўжалиқлари, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган майдонларга сув тежовчи замонавий технологияларни жадаллик билан жорий этиш ҳисобланади.

Кейинги йилларда бу технологияга муносабат, эҳтиёж ва талаб ижобий томонга ўзгариб борапти. Хусусан, 2020 йилнинг ўзида сув тежовчи технологиялар 133 минг гектар майдонда жорий этилган бўлиб, бу аввалги йилларга нисбатан икки баробарга ошганлигини кўрсатади.

Шу боис, видеоселектор йиғилишида жорий йилда бу миқдорни 430 минг гектарга ошириш вазифаси қўйилди. Яъни 210 739 гектар майдонда томчилатиб, 18 638 гектар ерда ёмғирлатиб, 623 гектар далада дискретли сўғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда 200 000 гектар майдонни лазерли ускуна ёрдамида текислаш орқали

сувдан фойдаланиш самарадорлиги оширилади. Бунинг натижасида 3,1 миллиард куб метр сувни тежаш имконияти юзага келади.

Бу ўз навбатида, шундай технология ва ускуналарга бўлган талабни оширади. Мамлакатимизда икки йил олдин сув тежовчи сўғориш технологиялари жихозлари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бор-йўғи 5 та корхона фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтга келиб, улар сони 3 бараварга ортди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб сўғориш тизимлари ва қувурлар ишлаб чиқариш учун жорий йилнинг февраль-апрель ойларида 35-40 минг тонна полиэтилен ва полипропилен зарур бўлар эди.

Маълумки, шу пайтга қадар сув тежовчи замонавий технологияларга сарфланган харажатларни қоплаш учун ажратиладиган субсидия миқдори тизим жорий қилинаётган ернинг бонитет баллидан келиб чиқиб белгиланар эди.

қарорига биноан, янги ўзлаштирила-диган ерларда самара бермаганлиги сабабли амалдаги тартибдан воз кечилди.

2021 йилдан бошлаб субсидия миқдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган бўлди. Томчилатиб сўғориш технологияси жорий этилган ҳар бир гектар майдон учун пахтага 8 миллион сўм, сабзавот экинлари ва картошкага 1,5 миллион, полиз экин-ларига 1,3 миллион, мевали дарахтларга 6 миллион, узумга 8 миллион сўмдан субсидия берилади.

Сувни тежашга имкон берувчи бошқа ишларга келганда, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилиш ҳисобиغا 3,3 миллиард куб метр, сувни кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ва шолини интенсификация қилиш ҳисобиغا 2,7 миллиард куб метр обихаёт тежалади.

Ушбу натижаларга эришиш учун биринчи галда 6000 километр канал,

125,7 километр лоток ва минглаб гидротехника иншооти, гидростолларда қурилиш, реконструкция, таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш, 3 мингдан зиёд насосларни таъмирлаш ва янгилаш, насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфини "онлайн" мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш зарур бўлади.

Сув ҳўжалигида рақамли технологияларнинг татбиқ этилиши маълумотларни онлайн олиш, ҳисоб-китобини аниқ юритиш, насос станциялари ва сўғориш қудуқларини масофадан туриб бошқариш, шафдофликни таъминлашга, сув тақсимотининг адолатли бўлиши ҳамда инсон омилнинг қамайишига олиб келади.

Сув тежовчи технологияларнинг қурилиш-монтаж харажатларини тежаш ва ишни самарали ташкил этиш мақсадида вазирлигимиз тизимдаги ташкилотларда 6000 нафар ходимдан иборат 300 та сервис гуруҳи ташкил этилган.

Бу тадбирларни амалга ошириш эвазига йил якунига қадар 721 252 гектар майдонда ёки сўғориладиган майдоннинг 17 фоизидан сув тежовчи технологиялар жорий этилади. Бун-



Мамлакатимизда икки йил олдин сув тежовчи сўғориш технологиялари жихозлари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бор-йўғи 5 та корхона фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтга келиб, улар сони 3 бараварга ортди.

дан фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари ҳам катта манфаат кўради. Чунки мутахассисларнинг таҳлиллари обихаётни иқтисод қилувчи замонавий тизимларнинг тат-

биқ этилиши минерал ўғитларни 40 фоизга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини 35 фоизга иқтисод қилиш баробарида ҳосилдорлигини ўртача 15-20 центнерга оширганини тасдиқлайди.

СТАТИСТИКА САЛОҲИЯТИ ИНДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ БУ БОРАДАГИ ТАҲЛИЛЛАРИ БЎЙИЧА 2020 ЙИЛДА 61-ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ, КЕЙИНГИ ТҮРТ ЙИЛДА 62, 2019 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 16 ПОҒОНА КЎТАРИЛДИ. 2025 ЙИЛГА БОРИБ УШБУ РЕЙТИНГДА ЭНГ ИЛҒОР ЎНТА МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛИШ МЎЛЖАЛЛАНЯПТИ.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

"Статистика" атамаси лотинча "Status" сўзидан олинган бўлиб, ҳодисаларнинг ҳолати, аҳолини билдиради. Унинг негизидан "Stato" — давлат, "status-tica" — давлат тўғрисида муайян билим, маълумотлар йиғиндиси деган тушунча келиб чиқади.

Ҳақиқатни аниқлаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Бу солиштириш ва қиёслаш. Халқаро статистика ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг қиёсийлигини таъминлашга асосланган ҳолда турли мамлакатларнинг таракқиёт даражаси, тузилмаси ва тенденцияларини ўрганади. Бу жараёнда БМТнинг ихтисослашган статистика хизматлари етакчи роль ўйнайди.

Миллий статистиканинг ривожланганлик даражаси қандай баҳоланади?

Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, шунингдек, ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолиси, шаффоф ва ошқоралиги бевосита миллий



статистика идораларининг ривожланганлик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Жаҳон банки ташаббуси билан 2004 йилда ишлаб чиқилган "Статистика салоҳияти индекси" мамлакатларнинг бу борадаги даражасини баҳолашда халқаро мезон ҳисобланади. Айни пайтда мазкур индекс 154 та мамлакатнинг статистик салоҳияти, тизимни такомиллаштириш бўйича эришаётган натижаларини ўзида мужассас этади.

— Индекс 3 та асосий йўналишда, хусусан, методологиянинг сўнгги халқаро андозаларга мослиги, маълумотлар кўламини ва уларни олиш имконияти ҳамда изчил эълон қилиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаб борилади, — дейди Давлат статистика кўмитаси бошқарма бошлиги Одижон Мамадалиев. — Улар миллий ҳисоблар, давлат молияси, тўлов баланси, ички ва ташқи қарз, ишлаб чиқарувчилар, экспорт-импорт нарҳларининг аҳоли, мавжуд ахборот базалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари, сув билан таъминланганлик, болалар иммунизацияси, гендер тенглик, таълим, камбағаллик даражаси, оналар соғлиги, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўсиш ҳолати каби ўнлаб индикаторларни камраб олган.

Унда миллий Очқ маълумотлар порталининг мавжудлиги ва унинг турли халқаро индексларда, шу жумладан, Очқ маълумотлар индексида (ODI) қўлга киритилган натижалари ҳам инобатга олинади.

Юқоридаги йўналишларда барча индикаторлар бўйича баҳолаш йиғиндиси умумий 100 баллик мезон асосида ўлчанади ва у мамлакатнинг статистика салоҳияти индекси ҳисобланади. Илк бор Ўзбекистон Республикасининг мазкур индекс бўйича 2016 йилдаги салоҳияти 48,9 баллга (133-ўрин) лойик қўрилган.

Веб-сайтда 2 миллиондан зиёд маълумотлар тўплами мавжуд

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари статистика идоралари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топиб борапти. Хусусан, Президентимизнинг соҳани ислоҳ қилиш, амалиётга халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, энг асосийси, маълумотларнинг ишончилиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Улар орасида 2020 йил 2 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмни жорий қилиш тўғрисида"ги фармони алоҳида ўрин тутади.

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг таъминлигини таъминлаш барча фойдаланувчилар учун кенг кўламли маълумотлар, жумладан, аввалда даврда эълон қилинмаган асосий макроиктисодий, молиявий, ижтимоий ва бошқа статистик кўрсаткичлар очиқланди ҳамда уларни эркин олиш имконияти яратилди.

Давлат статистика кўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа идоралар веб-сайтларида барча асосий молиявий, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни эълон қилиб бориш йўлга қўйилди. Масалан, бугунги кунда кўмита веб-сайтида 20 та бўлимда 279 та жадал куринишида 2 миллиондан зиёд ахборот тўплами тақдим этилмоқда.

— Бундай маълумотларнинг халқаро миқёсда очиқлигини таъминлаш муҳим йўналишларимиздан биридир, — дейди Давлат статистика кўмитаси матбуот котиби Усмон Абдурауфов. — Шу боис, 2018 йилнинг май ойидан бошлаб Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган маълумотларни тарқатишининг умумий тизимида 24 та йўналиш бўйича Ўзбекистоннинг 422 турдаги макроиктисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлари тўпламлари эълон қилиб борилиши йўлга қўйилди.



Бугунги кунда Халқаро валюта жамғармасининг маълумот алмашинуви борасида 3 та

тизим (кМТУТ, МТМС ва МТМС+) мавжуд бўлиб, мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини намойён қилувчи асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Тизимлар доирасида иқтисодий, молиявий ва айрим ижтимоий кўрсаткичлар белгиланган талаблар асосида эълон қилиб борилади. Бу, ўз навбатида, инвестицияларни жалб этишда ижобий самара беради. Тизимларнинг амалдагисидан кейинги юқори босқичга ўтиши мамлакат нуфузининг ортишига хизмат қилади.

Оналар ва болалар турмуш тарзига оид долзарб ижтимоий статистик маълумотларни шакллантириш ва эълон қилиш мақсадида ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 2020-2021 йилларда "Мультииндикатор кластер кузатувлари"ни ўтказишга келишилди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан, мазкур тадбир жорий йилнинг биринчи ярми йилгига мобайнида ўтказилиши режалаштирилган.



Кузатув 4 та йўналишдаги саволномалар асосида, 200 дан зиёд индикатор бўйича, тизимнинг 112 нафар ходими ва вазирлик, идоралар, ҳудудий ҳокимликлар ва халқаро ташкилот (ЮНИСЕФ)нинг 100 нафардан зиёд вақилини жалб этган ҳолда республика бўйича кузатувга тушган 726 та маҳаллада танлаб олинган жами 14 520 та уй хўжалигида ўтказилади.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йилда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш мақсадларига қўшилган. Бу борада ҳуқуматнинг тегишли ҳужжати билан 16 мақсад, 125 та вазифа тасдиқланиб, уларнинг ижроси доирасида 206 та индикаторнинг шаклланиши ва эълон қилиб борилиши белгиланган.

Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида Давлат статистика кўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни мониторинг қилиш бўйича веб-сайт (nsdg.stat.uz) ишлаб чиқилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишга туширилди. Унда бугунги кунга қадар мавжуд бўлган 117 та индикатор бўйича статистик маълумотлар эълон қилиб бориляпти.

Бу борадаги йиллик тўплам БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси расмий веб-сайтида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб эълон қилинди.

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги фармонида қўра, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тад-

бирини ўтказиш бўйича ҳуқуқий пойдевор яратилди. Унга мувофиқ, ишлаб чиқилган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонун 2020 йил 16 мартдан қучга кирди. Бугунги кунда мазкур тадбирни пухта, сифатли ва юқори савияда ўтказиш борасида зарур чоралар кўриломоқда.

Бундан ташқари, халқаро даражада умумэтироф этиладиган, очиқлигининг асосий мезонларидан бири — Очқ маълумотлар миллий портали фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳам тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида 60 дан ортиқ давлат органининг тақлифлари асосида 172 та маълумотни ўз ичига олган Очқ маълумотлар тўплами рўйхати янгиланди, тасдиқланди ва улар мунтазам равишда янгиланб бориломоқда. Айни пайтга келиб, порталда жами 10 мингдан ортиқ маълумотлар тўплами ўрин олган.

Бу борадаги сайё-ҳаракатлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳолаб, "Open data Inception" ташкилоти таҳлилларига асосан, мамлакатимиз жаҳон мамлакатлари орасида очиқ маълумотлар манбалари сони бўйича 6-ўринни эгаллаб турибди. Лондондаги Очқ маълумотлар институти (ODI) баҳолаш тизими бўйича "Кумуш" (SILVER) мақомига, Давлат статистика кўмитасининг расмий веб-сайти (Stat.Uz) энг юқори "Платина" (PLATINUM) даражасига эришган.

БМТнинг "Электрон ҳуқумат кузатуви 2020"да "Очқ давлат маълумотлари индекси" бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсаткичга эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлақати орасидан жой олган. Ушбу индексда жами 193 та мамлакат баҳоланган ҳамда Ўзбекистон энг юқори балл тўплай олган.

"Электрон ҳуқумат кузатуви" БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти томонидан ҳар икки йилда бир марта эълон қилинади. Бу БМТга аъзо барча давлатларнинг электрон ҳуқумати ривожланиш даражасини баҳолайдиган ягона глобал ҳисобот ҳисобланади.

Шу билан бирга, Очқ маълумотлар рейтингига (Open Data Inventory — ODIN) Ўзбекистон Республикаси 63 балл тўплай ва 125 та позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Юқорида эътироф этилган тадбирлар самараси Жаҳон банкининг "Статистика салоҳияти индекси"да ўз аксини топди ва бугунги кунда мазкур индекс доирасида 3 та йўналишдаги 25 та индикаторнинг 20 таси бўйича миллий ахборот маконида ва халқаро ташкилотларнинг ахборот ресурсларида статистик маълумотлар ва уларнинг методологик асослари эълон қилинишига эришилди.

Статистика стратегияси ва унинг самаралари

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 3 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори миллий статистика тизимида янги босқични бошлаб берди. Қарор билан мамлакатимиз тарихида илк бор 2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси тасдиқланди. Унга қўра, 6 та йўналиш бўйича 200 дан зиёд тадбирни ўз ичига олувчи "йўл харитаси" қабул қилинди.



— Мазкур ҳужжат асосида ва, умуман, сўнгги 4 йил давомида амалга оширилган ишлар эндиликда ўз самарасини кўрсата бошлади, — дейди Давлат статистика кўмитаси бошқарма бошлиги Одижон Мамадалиев. — 2020 йил якуни бўйича мамлакатимиз Жаҳон банкининг "Статистика салоҳияти индекси"да максимал 100 баллдан 67,8 баллни қўлга киритиб, 61-ўринни эгаллади. 2016 йил ҳисоботи нисбатан 62, 2019 йил ҳисоботи нисбатан эса 16 поғонага кўтарилди.

Стратегия доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали бу борадаги кўрсаткичларни 2025 йилга босқич яхшилаб бориб, 2025 йилда 94 баллни қўлга киритган ҳолда ушбу рейтингда биринчи 10 таликка кириш мўлжалланмоқда.

Олдинда турган вазибалар

Статистика турли ҳодисалар ва жараёнларни миқдорий ҳисоблаш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш йўли билан ижтимоий ҳаётнинг умумий қонунлиқларини ўрганади, уларни рақам ҳамда маълумотларда ифодалаб боради. Шу жиҳатдан унинг "сиёсий арифметика" деб юритилишида ҳам ўзига хос ҳаётий мантқ бор. Бу Давлат статистика кўмитаси олдида турган устувор вазибалар мисолида ҳам яққол кўзга ташланади.



Хусусан, 2021 йилда халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ва Европа иқтисодий комиссияси томонидан тавсия этилган "Расмий статистика тўғрисида"ги модель қонуни талаблари асосида "Расмий статистика тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, тизим фаолиятига сифатли бошқаришнинг илғор тизимларини (GSIM, GSBPM, GAMSО ва NQAF) жорий этиш, Мультииндикатор кластер кузатувлари (МИКС) натижаларини кўмитанинг расмий сайты ва ЮНИСЕФнинг ахборот базасида эълон қилиш каби масалалар турибди.

Шу билан бирга, МДХ Давлатлараро статистика кўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 2021 йил маълумотлари бўйича халқаро таққослашлар дастурида иштирокини таъминлаш, унинг натижалари асосида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш ва эълон қилиш, истеъмол нарҳлари кузатувида қўлланладиган товар ва хизматлар таснифлагичини халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш мақсадида ХВЖ томонидан тавсия этилган "Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагич" талабларини татбиқ этиш зарур бўлади. Келгуси йилда эса Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган маълумотларни тарқатишининг умумий тизимидан (к-МТУТ) "Маълумотларни тарқатишининг махсус стандарти"га (МТМС) ўтиш мўлжалланмоқда.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган махсус кузатувлар, яъни ЮНИСЕФ — Мультииндикатор кластер кузатувлари, Халқаро меҳнат ташкилоти — ишчи кучи кузатувлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти — демография ва соғлиқни сақлаш кузатувларини мунтазам равишда ўтказиш, натижаларини тегишли идоралар расмий сайтларида жойлаштириб бориш эса улардан юқори малака ва салоҳият талаб этади. Бунда веб-технологияларга асосланган ҳолда ҳисоботларни электрон шаклда онлайн тарзда қабул қилишнинг замонавий

ТАДБИРКОРЛИК

ДЕНОВ ПОЙАБЗАЛЛАРИ ХОРИЖ БЎЗОРИДА

Усмоғали НОРМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ҳабибулла Муродов Термиз давлат университетининг кимё-технология факультетини битирган 2000 йилларда кўпчилик савдо-сотик қилиб турмуш кегиришга ўтганди. У ҳам дўстлари ва қўни-қўшниларига ҳавас қилиб, Денов буюм бозоридан дўкон очди, эркаклар, болалар ва аёллар пойабзали савдосига киришди. У буюмларни Фарғона ва Андижон шаҳарларидан олиб келарди.

Кун ботди, тонг етди, ўн йил умри савдо билан ўтиб кетди. Бошқалардан кам яшамаётганди. Аммо вақти келиб, савдо-сотикдан қўра, маҳсулот тайёрлаб сотиш муҳимлигини тушуниб етди. Ўзи корхона очиб, пойабзал ишлаб чиқаришни дилига туғди. Ниятига эришиш учун Водийга бориб, усталардан иш ўрганди. Сўнг Хитойга йўл олди, пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналарда бўлди. Охири-оқибат Хитойдан технология сотиб олишга қарор қилди. Қўйинчилик ва муаммолардан чўчимади. Ўз сармоясига ва банкдан олинган кредит ҳисобига дастлаб илҳам технология келтирди. Водийда танишган тажрибали усталарни Деновга таклиф қилди. Улар билан укалари ва оғайнилари елкама-елка ишладилар. Тайёр маҳсулотлар сотувга чиқарилди. Сифатли, бежирим ва хорижикидан қолишмайдиган пойабзалларнинг харидори кўпайгандан-кўпайди.

Бундан уч йил муқаддам тадбиркор Ҳабибулла Муродов корхонани кенгайтириш мақсадида Денов тумани ҳокимлигидан ер сўради. Унга собиқ "Денов пахта" АЖнинг бўш турган биноси ва атрофидagi ер 20 та иш ўрни яратиш ҳамда инвестиция киритиш шарти билан ноль харид қийматида берилди. Бундан руҳланган тадбиркор яна Хитойга йўл олди, ҳамкорлар излади. Изланганга толе ёр, деганларидек, Ҳабибулланинг сайё-ҳаракати билан 2019 йил охирида Деновда "GIOVANNI SINO" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Хитойликлар деновлик ҳамкорини Италия бренди асосида пойабзал тайёрлайдиган замонавий жиҳозлар билан таъминлади. Бу орада Ҳабибулла Муродов ўз сармоясига ва "Микрокредит-банк" Денов тумани филиалидан олинган кредит ҳисобига 2 та бино ҳамда 100 нафар кишига мўлжалланган ошхона, омбукохона курди.



лик Айназаров сингари абжир усталар шоғирдлари билан сифатли маҳсулот тайёрляпти. — Хомашёни, асосан, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Тошкент чарм-қўн заводларидан келтираемиз, — дейди тадбиркор. — Маҳсулотимизни аввалига ички бозорга чиқардик. Бир қисмини Денов буюм бозоридaги дўконимизда сотдик. Аммо

улгуржи харидорларимиз олинган пойабзаллар пулини ўз вақтида бера олмапти. Корхонани барпо этиш ва технология келтиришга катта маблағ тикланмиш. Боз устига, банкдан олинган кредитларни ҳам ойма-ой сўндириб боришимиз керак. Шунинг учун пойабзалларимизни экспортга чиқариш учун бозор изладик. Туркманистон ва Тожикистондан харидорлар кела

бошлади. Ҳозирча тайёр маҳсулотларни қўшни мамлакатлардаги ҳамкорларимизга сотаямиз. Денов буюм бозоридaги дўконларимизда ҳам савдо чаққон. Деновдек аҳоли зич яшайдиган туманда корхона очиш ва бир кишини бўлса ҳам ишли қилиш — катта ютуқ. "GIOVANNI SINO" қўшма корхонаси йилга 8 миң жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозирча 50 нафар ёш меҳнат қилляпти. Ёш тадбиркор Ҳабибулла Муродовнинг ниятлари улғур. У корхонасини янада кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтиришга чоғланган. Корхонада тайёр маҳсулотнинг жойлайдиган қартон қўтиларга эҳтиёж катта. Айни пайтда қартон қўтилар бошқа корхоналардан харид қилинапти. Бир қарашда майда харажатдай кўринадиган бу маҳсулотга миллион-миллион сўм маблағ сарфланапти. Қўшма корхона ҳудудидa қартон қўтилар ва пойабзаллар ичига қўйиладиган қозероқ тайёрлашни йўлга қўйиш учун харажат бошланган. Шунингдек, "GIOVANNI SINO" ҳудудидa фирма дўкони қуриломоқда. Келгусида тайёр пойабзаллар шу ердан сотилади. Бундан ташқари, бу ерда болалар пойабзали ишлаб чиқариш лойиҳасига киришилган. Демак, яқин вақтларда Деновдаги қўшма корхонада пойабзаллар тури кўпайди ва иш ўринлари сони ортади. Бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ.

ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР

ЯНГИЛАНИШЛАРДАН ЮКСАЛАЁТГАН АНДИЖОН

2-мақола

**Жаҳон чемпионлари
улғайган мактаб**

Фарзандини бокс залига етаклаб бораётган андижонлик ота-оналарнинг аксарияти менинг ўғлим ҳам Мухаммадқодир Абдуллаев, Уткир Ҳайдаров, Ҳасанбой Дўстматовдек дунё чемпионларига ўхшасин, дея ниёт қилади. Вилоятда боксга ҳавасмандлар сони кундан-кунга кўпайяпти. Хўш, бунинг сабаби нимада? Нега кўплаб жаҳон чемпион-

ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги муносабатини келтириб ўтиш ўринли. Мутасаддиннинг таъкидлашича, ҳудуд ўзининг профессионал мураббийларига эга. Марат Галеев, Валентин Золотарёв, Александр Размахов Андижон бокс мактабининг забардаст устунлари. Улар бўлажак боксчиларни руҳлантиришининг ҳеч ким билмайдиган йўллари билди. Шу маънода, федерация андижонлик тренерларни боксда оқсаётган Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё каби

филологлари иштирокида маҳорат дарслари йўлга қўйилган. Бунда ёшлиларнинг камчилиги ютуқлари билан ўртоқлашиши жонли кечади. Вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси Хуршидабону Ваҳобжон қизи, шоира Замира Ҳусеиновна Мактабда тез-тез ўқувчилар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб тургани уларни янада руҳлантиради. Пойтахтдан Сирожиддин Сайид, Нодир Жонузқо, Ғайрат Маждид каби кўплаб ёзувчи, шоирларнинг таширфи буюриши эса байрамга айланиб кетади. Ёш ижод-



лари, машҳур боксчилар Андижондан етишиб чиқаяпти?

Шу ўринда бокс бўйича жаҳон чемпионлари ғалаба билан Андижонга қайтган кунларни ёдга олмай бўлмайди. Чемпионлик маълуи бўлди, виллоятнинг марказий кўчалари, истироҳат боғлари бир текис саф торган мактабу коллеж ўқувчиларига тўлиб кетади. Спортчиларимизни эътироф этувчи сўзларни баланд кўтарган ёшлар қаҳрамонларни юраклари ҳалқириб, ҳаяжон, ғурур билан қарши олади. Юрак-юрақдан олқишлади. Буларнинг ҳаммаси ёшлар қалбида спортга, боксга бўлган муҳаббатни уйғотади, десак хато бўлмас. Чемпионлар эса чексиз миннатдорлигини изҳор этиш учун юракка сигмас ҳаяжон билан республика тан олган мураббийлари ёнига ошади.

Андижон шаҳридаги 50-мактаб ёнгинасида жойлашган танкили бокс зали ҳозир ҳам бор. Юқорида номлари тилга олинган ва яна кўплаб машҳур боксчилар мана шу залда тобланган. У ерда бўлганимизда 11 йилдан буён мураббийлик қилиб келаётган фидоий, тажрибали устоз Уткир Ҳайдаровни айни машғулотлар устида, шогирдлари курсовида учратдик. Ундан Андижон бокс мактабининг ўзига хос хусусиятларини сўраганимизда, бу борада энг муҳим омил, аввало, мураббийларнинг аҳиллигида эканини айтди. Кейинги хусусият эса уларда "менинг ўқувчим, сенинг ўқувчин" каби қарашларнинг йўқлиги. Яна бир муҳим жиҳат, катта авлод эришган ғалабалар. Бу ўз-ўзидан кичик авлод вакилларига доимий куч бағишлаб туради.

— Яна бир қатъий қоидамиз бор, — дейди Уткир Ҳайдаров суҳбат давомида. — Биз ҳулқи салбий томонга ўзгара бошлаган шугулланувчини дарҳол машғулотлардан четлатамиз. Сабаби, спортчи ўзининг кучидан ғаразли мақсадларда фойдаланмаслиги керак. Нотўғри йўлдан кетаётгани, хатога йўл қўйганини тушуниб етган, машғулотларга қайтишга ҳаракат қилади, кечирим сўраб келади. Бу ҳам ўзига хос бир мактаб.

Бу борада Республика бокс федерациясининг виллоят бўлими ва термина жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Бехзод Солиевнинг Андижон бокс мактабининг

ҳудудларга семинар-тренинглари ташкил этиш учун хизмат сафарига юборишни режалаштириб турибди. Бу, албатта, республикамиз бўйлаб боксни ривожлантиришда, Андижон бокс мактаби тажрибасининг кенг ёйилишида муҳим омил бўлади.

"Сизлар менинг олтин хазинамиз..."

Соддадил, халқпарвар шоир Мухаммад Юсуф дунёдан ўтганида қанчалик ўкинган бўлса, миллионлаб қалблар бугун унинг номи билан аталаётган мактабга келганида шунчалик қувонади. Ҳар йили 26 апрелда бу мактаб саҳнига, шоир бости ўрнатилган майдонга унинг мухлислари сиймаи кетиши халқнинг унга бўлган ҳурмати ҳануз юксаклигидан дарақдир.

Уларнинг барчаси шоир шеърларини айнан ушбу мактаб ўқувчиларидан эшитиш истагида. Шу маънода, асл шеърят, ижод майдонига айланган таълим мактабидан бугун Мухаммад Юсуфнинг 253 нафар издоши таълим оляпти. Улар орасида қўшни виллоятлардан ҳам вакиллар бор. 24 нафар энг моҳир педагог бу ерда жам бўлган.

Ўқув дастурлари Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан қўйилган аниқ вазибалар асосида олиб бориляпти. Мактабининг ўзига хос муҳитини яратиш, ижодкорларни кўллаб-қувватлаш эса биринчи галдаги вазифа. Ўқувчи-ёшларнинг шеърый ва насрий асарлари ихтимой тармоқларда, матбуот нашрларида буй кўрсата бошлади. Агентлик раҳбари Ҳилола Умаровани ташаббус билан топ этилган "Ижод боғидан гулдаста" китобидан 12 нафар ўқувчи ёш ижодкорнинг жойли мактабининг "Умид гунаҳлари" номили китоби чоп этилишига туртки бўлди.

Хуллас, мактабда чинакам ижодий муҳит яратилган. Иқтидорли болалар билан маҳорат дарсларини кўпроқ ташкил қилиш амалии натижа бериши инобатан олиниб, ҳафтанинг ҳар жума кuni ёзувчи, шоирлар, университет олимлари,

корлар учун Президентимиз совға қилган автобусда қўшни ижод мактабларига бориш ҳам ўзгача завқли. Олисдагилари билан эса онлайн конференциялар орқали учрашиш, дўстона беллашиш ҳам ўзига хос руҳда ўтади.

Агентликнинг республика семинарида IT соҳасида ўқувчилар би-



лимини кенгайтириш, инглиз тили ва заргарлик санъатини ўргатиш лойиҳасини тақдим қилган мактаб директори Шохиста опа Нурматова ўқувчиларни 7-синфдан хунарга ўргатиш масаласига жиддий ёндашди. Вилоятда янги ташкил қилинган IT паркда мактабининг 9 нафар ўқувчиси билим оляпти. Шунингдек, IT парк ўқитувчилари мактабга ҳам келиб, мастер класслар ўтказаяпти. Зеро, ижодкорлик фақат шеър ёзиш дегани эмас. Директор ўқувчиларининг мусика асбобларини чалишни билиши, қўшиқлар ҳам қўйлаб олишни истади. Шанба — ижод кунидан 10 га яқин мусика асбоблари сирларини ўрганаётган хаваскорларга энди рақс, ашула, мақом санъати ҳам ўргатилади. Бу борада шахар маданият бўлими билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Яқинда ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар ижро этилган хор гуруҳи ҳам ташкил этилиши режалаштириляпти.

Бундай шароитда кундан-кунга янги иқтидорлар кашф этиляди. Президентимиз 2019 йилда мазкур мактабга таширфи чоғида Мухаммад Юсуф издошларига қараб, "Сизлар — менинг олтин хазинамиз", дегани бежиз эмас.

Дарвоқе, мактабда олтин хазинага айлангудек хунарлар ҳам ўргатилямоқда. Ҳозирча мавжуд имкониятлардан фойдаланиб иш юритилаётган устaxonада 6-7-синф ўқувчиларининг заргарлик буюмларини ясай олаётганларига бирданига ишонгимиз келмади. Уларнинг ўта нозик ҳаракатлари, устознинг топшириқларини тўғри бажараётганларини кузатиб, чиндан ҳам "олтин хазина" дейишга арзирли ёшлар эканига гувоҳ бўлдик. Рассомлик, дизайн, тикувчилик тўғрисида вақтинчи мазмуни ўтказаятган, Мухаммад Юсуфнинг ўқувчиликдаги партасида ўтиришга муваффақ бўлаётган ўғил-қизларга ҳавас қилдик.

Ўйнамагани ҳам ўйнатади

Янграганида 7 ёшдан 70 ёшгача қалбларни тўлқинлантириб юборадиган, танага жўшқинлик, руҳга кўтарикилик берадиган куйлардан бири — "Андижон полкаси" яралганига қарийб 90 йилдан ошди. Ўзбекистон халқ артисти Ориф гармон Тошматов муаллифлик қилган бу бетакор куйни рамзий маънода "Андижоннинг мадҳияси" дейиш мумкин. "Андижон полкаси" рақсининг йигитлар вариантини ҳақиқий андижонга йўлда яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Қодиров, фольклоршунос санъаткор Мўминжон Абдувалиевнинг айтишича, ўша пайтларда ҳозирги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғининг рақс майдонига кўп санъаткорлар, созандалар мунтазам йигилиб турар экан. Андижонлик йигитлар бу ерга келиб, рақс тушишар, қўшиқ баянлари ҳам бўларкан. Уларнинг оёқ ташлашларини кўп бор мароқ билан кузатган Ориф гармон шулар учун бир мусика яратай, деб "Андижон полкаси"ни кашф қилган.

Полканинг доира ритмини эсланг-а, шахдам қадам товўшларига ўхшайди. Ҳа, андижонлик йигитларнинг оёқни ердан ўзмай қадам ташлаши уларнинг рақсдаги йўли, яъни ўзига хос бир усулнинг пайдо бўлишига туртки бўлган.

— 1972 йилда "Андижон полкаси" ансамбли тузилган. 1984 йили Испанияга гастролга борганимиз, — дейди Андижон тумани маданият бўлими маданият маркази бадий раҳбари Абдулазиз Юсупов. — 5-6 минг атрофида томошабин бор. Мусика чалиниб, саҳнага чиққанымиздан қорсак оҳанга мослаб гудурдос қорсак чалина бошлади. 12 нафар йигит берилиб ўйнаймиз. Рақс роса авжига келганида Раҳимжон, Носиржон деган йигитларимиз маромидан ҳам ошириб юборди. Томошабинлар ўринларидан туриб олқишлай бошлади. Рақс тугагач, режиссёр нимадир деди-ю, таржимон, "яна такорор тушасизлар", деб бизни саҳнага қайтарди. Шундан кейин ҳам одамлар қўйиб юборгиси келмаган. Аммо илож йўқ эди. Вақт белгиланган. Биздан сўнг аргентиналиклар саҳнага чиқиши керак. 24 та давлатнинг фольклор ансамблилари келган. Полкамизнинг кучини, сирини бошқа миллатларга ҳам кучли таъсирини ўшанда чуқур ҳис қилганимиз.

Шу ўринда "Андижон полкаси"ни "Баҳор" рақс ансамблининг гўзал

Халқнинг теран маънавиятисиз, ғурурисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини**

БУГУННИНГ ГАПИ



Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган кейинги янгилик ва ўзгаришлар стратегик мақсадни амалга ошириш йўллари ва ёндашувлар яна ҳам аниқлаштирилганидан, ҳаётга яқинлаштирилганидан далолат бермоқда. Оқдид савол қўндаланг бўлади: бизга қувватларимиздан максимал фойдаланишда нима халақит беради?

УЙҒОНАЁТГАН КУНЛАР

**Ҳақим САТТОРИЙ,
Республика Маънавият ва маърифат марказининг масъул ходими**

Президентимизнинг парламентга мурожаатида, айниқса, 19 январь кунги маънавият масалаларига бағишланган видеоселектор йигилишида бу саволга аниқ-тиниқ жавоб берилди. Маънавият масалаларига эътиборни янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ва бу ҳолни бар тараф эътиборини аниқ механизми тақлиф қилинди. Бу борадаги ҳукумат қарори маънавият ва маърифат борасида инқилобий ўзгариш бўлишидан далолат берапти.

Президентимиз ўз нутқларида тарихни ўрганиш борасида бутунлай янги концепцияни белгилаб берди. "Миллий тарихини миллий руҳ билан яратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биз ўзинимиз тарихдан сабоқ олиш, ҳулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илими, тарихий тафаккур билан курулантиришимиз зарур". Шунингдек, мутасаддилар олдида Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Албатта, давлат тили мақомига эга бўлган она тил — ўзбек тили билан бақамти миллий тарихимизни ўрганишга кўрсатилаётган рағбат маданий меросимизни комплекс тадқиқ қилишни таъминлайди, ҳали мозий ғуборлари остида қолиб келаётган чўнг кадрларимизни бўй-бастини бутун борича дунёга намойиш этиш имкониятини яратяди. Аслида, давлатнинг ўтмиши ва бугунги ажралмас тушунчаларидир: бири босиб ўтилган йўл, иккинчиси истиқболдаги мақсад. Ўтмиш тажрибасидан қанча теран истифода этилса, келгуси марраларни эгаллаш шунча осон кечади. Бу ҳолни Платон (Афлотун, машҳур грек файласуфи, эразмизгача 427-347 йиллар) асарларига шараф бўлган буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий (иккинчи муаллим, 873-950 йиллар) шундай изоҳлайди: "Агар халқнинг хабардорлиги (маърифат даражаси) қанча теран ва юқори бўлса, ҳуқмдор чиқарган қонунларга шунча тез бўйсуняди ва шунча осон амалга ошади". Демак, тарих маърифати халқнинг фаоллигини таъминлайди.

Мамлакатимизда Уччинчи Ренессансининг пойдевори, асослари яратилляпти. Эзгу ғоялар маълум қилиняпти, энди асосий вазифа — уларнинг ижроси. Бу эса омма иштирокисиз амалга ошмаслиги шубҳасиз. Қолаверса, омманинг иштироки барча ҳаракатларнинг асосий омилли, тиргадир. Жами ислохотлар омма(халқ) манфаатларини кўлаб амалиётга киритилди.

Айни пайтда юртимизда кечаётган ислохотларнинг табиати қадимги Рим файласуфи Марк Тулий Цицерон (эразмизгача 106-43 йиллар)нинг буй эътирофини келтириб ўтишни тасқоз этади. "Халқ олий ҳоқимиятдан фойдалана олган жамиятига эркинлик (бу ўринда фаолият учун зарур имконият ва имтиёз — Х. С.)нинг чинакам масканидир", деган эсан буюк нотик, "Олий ҳоқимият" бугун юртимизда давлат раҳбари тимиголида янги-янги ислохотларга руҳлантиряпти, демак, ундан фойдалана олиш тараққийётнинг янги ўфқларини очяди. Қолаверса, "Эркинлик инсон жасорати ва кучини икки баравар оширади", деб ёзганида француз сиёсий ароби Шарль Дюмурье юқоридан бошланган ислохотлар кўйида давом этса, имкониятлар яна ҳам эркинроқ намоён бўлишини назарда тутадиган. Қисқа даврда ҳаётий ёндашувлар туфайли иссиқхоналардан олинаётган даромадлар, чеварларимизнинг дунени кийинтиришга жаҳд қилиб иштироқисиз муваффақиятлари бу гапнинг исботи. Давлат томонидан китобхонлик кенг рағбатлантириляпти, тарби қилиняпти.

Жамиятимизда бугунги кунда барча соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти, сезиларли ютуқларга эришляпти. Бу ютуқларни дунё ҳамжамияти ҳам тан оляпти. Шундай шароитда "йўл ҳаритаси" ("иш равиши")ни тафтиш қилиб олиш ҳаётий зарурат эди. Зеро, ҳазрат Алишер Навоий лутф этганларидек:

*Кўз оч, агар худ бор эсане раҳшунос,
Иш равишин айла аниндек қиёс.*

Очига, йил бошидаёқ давлат миқёсида амалга оширилган чора-тадбирлар

моҳиятини, кўзда тутилган мақсадни Президентимизнинг, "Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир", деган пурмаъно сўзларидан бошқача ифодалаш қўйин. Ёшлирни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли самоматлигини мустаҳкамлаш йилида кўзда тутилган асосий мақсад-вазифалар ҳам бевосита маънавият билан боғлиқ. Зеро, "Бўйга яраша либоси", деганларидек, иқтисодиётдаги ўзгаришлар, айниқса, инновацион ғояларнинг кириб келиши янгича дунёқарашни талаб этиши бор гап. Бугун гектарлаб майдонларда гидропоника усулида сабзавот етиштириляпти, тошдан қозғи ишлаб чиқариляпти, ердан 6-7 марта ҳосил олинапти. Ўз-ўзидан ишлаб чиқаришнинг бунёдкорлик, яратувчиллик қудрати онга, турмуш тарзига таъсир этиши, шубҳасиз. Кечагина лойсувоқли уйда яшаган одам бирданига борлиққа 16 қаватли уй деразасидан назар ташласа, дунё унинг тасаввурда бошқача намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси — юксалиш, тараққийёт. Энди жамият таянчида рўй бераётган ўзгаришларни идрок этиш, уни онгда, ҳаёлда синтезлаш, ҳаётий ақидаларни белгилаб олиш учун чинакамаги янгилашган мафкура, замонавий маънавият зарур бўлади. Кўримсиз ҳовли, лойсувоқли уйларда яшаш билан осмонлар бинода бақамти, "ён қўшни — жон қўшни" бўлиб яшашнинг ўз "алифбо"си, талаб ва заруратлари борки, унга амал қилиш эҳтиёжга айланди.

Президентимиз бошчилигида йил бошида қўрилган ҳозиржабоб тадбирлар ана шу етилган, долзарб, ҳаётий масалаларнинг ечимини белгилаб берди. Ҳақиқатан, янги Ўзбекистоннинг янгилашган миллий ғояси бўлиши лозим, унинг талаблари янги мафкурада, унинг ҳосиласи — янги, энг сўнгги жаҳон талаблари даражасидаги юксак маданиятда акс этиши шарт. "Кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият" тамойилининг моҳияти шу.

Халқимизда "Авал салом, кейин таом" деган пурмаъно ибора бор. Бу гап, эҳтимом, дастлабки тамаддун эпкинари билан минг йилларнинг нарисида пайдо бўлгандир. Яъни дастлаб руҳиятнинг (маънавиятнинг)ни аён қилинган ва кейин моддий масалага ўтинг! Демак, азал-азалдан бизда руҳият — маънавият биринчи ўринда турган. Қолаверса, фикрий-мафкуравий ўзгаришлар буюк моддий кўтаришларнинг досяси, асоси эканини ота-боболаримизнинг тажрибаси тасдиқлаган. Бугун ана шу чўнг ва ўзимизга хос удумлар яна қайтадан, ўзгача талабчанлик билан тараққий қилди. Биз аслида маънавиятни тартиқчиликдан устун кўйган халқимиз. Бунга тарих гувоҳ. Ана шундай хўш амаллар буюк истиқболдан ҳабар бермоқда.

Албатта, азалии удумларимизда бирор хайрли иш бошланса, уна шерик бўлиш, ўз ихтисосини қўшиш оқдатдаги хол хисобланган. Демак, янгилашган жараённинг фаол иштирокисиз айланши юртдошларимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Энди табиатимиздаги лоқайдлик, бегамлики бир четга суриб, янгилашган ватан истиқболи учун фидоийлик талаб этиляди. Бугун дунё ўзгаришти, юртимиз ўзгаришти. Шуларга ҳамоҳанг ўзимиз ҳам ўзгаришимиз лозим ва шарт. Зеро, қилинаётган саяё-ҳаракатлар, ислохотлар келажгимиз учун, фарзандларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмай яшашлари учун амалга ошириляётганини ҳушёр экан билан идрок этмоқ жон. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фаровон турмушни таъминлашда энг муҳим амал, бу — инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракат қилишидир. Энди дунёқарашини ҳам, муносабатларини ҳам ўзгариштириш, келажка юксак умид ва орзулар билан қараш фурсати етди.

...Ўзанда тўлиб келган дарёнинг суви қирғоқдан ошиб, далаларга охибаёт олиб боради, жами набототга жон ато этади. Оқим ўз йўлида баъзи қўлмаларни ҳам сувга тўлдириб, тўниб қолган лойқаларни ювиб ўтади — бу билан борлиқда ўзгача софлик ва янгилаш пайдо бўлади. Юртимизда бошланган улкан ўзгаришлар нафаси ҳам қалбимизга тошқин бўлиб қиради, юксак ғалабаларга илҳомлантиради.



**Муножат МҲМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири**

1 МАРТ – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯХОНИМ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ИЛМИЙ АНЖУМАН



БИНАФША ЛАБИДА... КУЛГАН ХОТИРАЛАР

ёхуд Зулфияхоним зиммасига олган "давр юки"



Абдуг'فور АХМЕДОВ, Вазирлар Маъжмаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

ВОДИЙНИНГ "ОЛТИН ҲАЛҚА"СИ

Янгилаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган очик-ошкора, прагматик ички ва ташқи сиёсат халқаро экспертлар томонидан юқори баҳолини, мамлакатимиз қатъий, чуқур ислохотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичига қадам қўймоқда, ўзининг мустақкам сиёсий иродасини намоеён этмоқда.

Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётгани кувонарли. Бу ўз навбатида, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний мезъорларга қаратаётган юксак эътиборининг ёрқин намунасидир.

2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиқилган, БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида Ўзбекистон томонидан тақриф этилган маскур резолюция БМТга аъзо 193 та давлат томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди, шунингдек, 50 дан зиёд мамлакат билан ҳаммуволафликда қабул қилинган — ушбу йўналишдаги ишларнинг тўғри ўзанда кетаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-йиллик сессиясининг юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларида сўзлаган нутқида ҳам миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустақкамлаш доимий муҳим вазифа эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу йўналишдаги ишлар умумжаҳон диққат-эътиборидаги муҳим масалалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари томонидан дунё эътироф этган юртимиз аллоамларининг илмий-маънавий меросини урганиш, улари тадқиқ этишни рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам халқаро ҳамжамият нигоҳида. Ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш борасида Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг турли ҳудудларида халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Тошкент шаҳрида эса Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази ташкил этилган фикримизнинг яққол исботидир.

Наманган вилоятининг "Чортоқ туманида жойлашган Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи мажмуасининг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан батамом қайтадан қуриб битказилиб, зиёрат масканига айлантирилгани ҳам ана шу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида қайд этиши мумкин.



Дарҳақиқат, ушбу мажмуа, халқимиз, хусусан, Наманган аҳолисининг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, тарих саҳифаларида олтин харфлар билан муҳрланиб қолар диган воқелик бўлди. Увайс Қараний зиёратгоҳининг жануб томонида оналари Биби Наима она зиёратгоҳи жойлашган. Ушбу зиёратгоҳ ҳам қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, комплекс мажмуага айлантирилди.

Мажмуа мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг амалдаги ёрқин исботи сифатида Наманган вилоятининг кўркі ва ташриф қоғозига айланади. "Водийнинг олтин ҳалқаси" бўлиши ушбу кўрк ҳам замонавий мажмуанинг тантанали очилиши муносибати билан халқаро онлайн илмий анжуман ташкил этилди. Унда Россия, Миср Араб Республикаси, Туркия, Татаристон, Озарбайжон, қўшни Қозғоғистон ва Қирғизистондан соҳа мутахассислари ҳамда 100 га яқин маҳаллий ислмошунос олимлар иштирок этди.

Илмий конференция ишида юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кен қўллами ислохотлар, айниқса, аждодлар меросини урганиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ўз навбатида, хоризлик мутахассислар Увайс Қаранийдек улуг зотга кўрсатилган ана шундай юксак эътибордан мамнун эканликларини билдирди. Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ишларини олқишлади.

Наманган вилоятида қад ростлаган муҳташам Султон Увайс Қараний мажмуаси ҳам, Президентимиз таъбири билан айтганда, ёш авлоди юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашда катта аҳамият касб этадиган масканлардан бири бўлиб хизмат қилади.



— "Зулфия истеъдоди ўз даврида умуммамлакат адабиётида алоҳида ҳодиса бўлган", дея таъкидлаган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов. Чиндан ҳам тарихий қисмат Шарқ аёлининг овозини жаҳон минбарига олиб чиқиш шарафи ва заҳмати Зулфия Исроилова зиммасига қўйди. Бу масъулият унинг ижод уфқини ва ҳаёт тарзини белгилади, таниқли жамоат арбоби, тинчлик ва халқлар дўстлигининг жарчиси сифатидаги ўрнини таъминлади. "Ўғлим, сира бўлмайдиган уруш" шеъри дунёнинг қайси тилига таржима қилинган бўлса, ўша тилда сўзлаган оналарнинг нидоси бўлди, "Мушоира" эса Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлик ҳаракатининг мадҳиясидек жаранглади. Ўша давр ва муҳитни ёриб, шундай вазифани бажариш Зулфияхоним учун қанчалар қийин бўлган? Сиз нима деб ўйлайсиз, қисмат бу вазифага нима учун уни танлади?

— Бизнинг ҳамма даврда эргашадиган, тасалли оладиган инсонларимиз бўлган. Бу инсонлар тасодифий одамлар эмас, балки ибрат ва тилсиз бўлишига лойик, муносивлар эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида деярли ҳар бир хонадонда аза тутилган. Қимдир отаси, қимдир акаси, қимдир укаси, яна биров жуфти ҳалолдан айрилиб, бағри хувиллаб қолган. Шундай оғир кунларда ҳаёт майдонларида Зулфияхоним "Ҳижрон кунларида"ги шеърлари билан пайдо бўлади. Ҳамма тасалли-таскинга зор эди. Шоиранинг

"Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам..." сатрларини ўқиб, ер бағир-бағир этган қанча хижронзадлар тикка бўлди экан... Устоз қайғуси халқ қайғусига қўшилиб кетган, улкан таскин, тасалли берган. Назаримда, Зулфияхонимнинг ўзбек аёли тимсоли бўлиб яшаш ўша лаҳзалардан бошланган. Устоз 1950 йиллардан елкасига жуда катта ижтимоий "юк" ни олган. Осиё, Африка минбарлари Зулфияхоним қиёфасида оқила, чиройли, жарангдор шеърлари, дилтортар гаплари билан омман диган диққатини ўзига торта оладиган, барчани ишонтира оладиган ўзбек аёлини кўрган ва севиб қолган. Яна ҳам тушунарлироқ ифода этсам, шоира тарихнинг



ўша йиллардаги саҳифасида "Ўзбек аёли" деган номни бор кўрки, шарафи билан сақлаб қолишга эришган. Бу вазифани бажариш устозга осон бўлган, деб ўйламайман. Тўғри, бу йиллар ҳақида гап кетганида "Ҳаждароғ борди, Шри-Ланкага борди, Жавоҳирстол Неру, Нилуфар мукофотини олди", деб осонгина санаб ўтмай. "Зулфияхоним ўзи тийнаги тоза, покиза, биллимдон, сабр-бардошга эриш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади", деган фикрлар айтилади. Ҳаммаси тўғри. Лекин бир миллат аёли тимсолида яшаш учун инсон ҳақида ўзини ўзи назорат қилиши шарт, ҳамиша ақлига қулоқ солиши, яшаётган умрининг барча сонияларида тақдир унга белгилаб берган чегарадан чиқмаслиги керак. Ахир, у шоира эди-ку. Шоирнинг қўлириб, тошган лаҳзалари бўлмайдими? У ҳам тирик жон, нимадандир норози бўлган бўлиши, нимадандир исенга келган бўлиши мумкин-ку! Ахир, бекорга умри поёнида ёзган "Хотирам синиқлари" дostonида "Қуйганман. Бош-оёқ куюк жисимининг Нимасин ёқарди дўзах утлари..." демагандир... Мана шулар ҳақида ўйлаганимда, Омон Матжоннинг "Чекинганда мен фақат чекиндим юраккача.." деган сатрларини эслайман...

— Қутлибека опа, азиз хотираларингизни тинглаб, кўнглимиз ёриши. Сўхбат учун ташаккур.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА сўхбатлашди.

шарқона фазилатлар билан боғлиқ ҳеч ким билмаган хотираларимни сўрабсиз. Мен вазият тақозоси билан устознинг уйида ҳам яшаганман. Йигирма йиллар давомида устознинг атрофида юрган бўлсам, бирор марта ақл, андиша доирасидан ташқаридаги гапларини эшитмаганман. Шоира ўз даврида жуда катта имкониятлар майдонида яшаган. Ростини кўп нарсага ҳадди бор бўлган. Лекин ҳеч қачон "Ўзбек аёли", "шоира бўлган ўзбек аёли" деган чиройли бир чегарадан чиқиб кетмаган. Зулфия опа "Саодат" журнали таҳририятига олиб келадиган йўлақда кўринса, йўлнинг бу бошида турган салобатли эркеклар ҳам чекиб турган сигаретини шоша-пиша чиқинди кутисига ташлар, ёка-енгини тўғриллар эди. Ҳолбуки, опа бировга бандан овоз билан танбасх бермас, ҳатто товушини бандандлатиб қулмасди ҳам.

— Зулфияхонимнинг атрофи ҳамиша ёш ижодкорлар билан гавжум бўлган, дейишади. Шогирдсевар устоз бўлишининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Опа: "Мен ҳеч қачон ҳеч қимми шогирдим, деб айта олмаман, уларнинг узлари мени устоз, деса бошқа гап", дер эди. Дарҳақиқат, шоира жуда кўп ёшларни қанотига олган. Улар орасида фақат шоирлар эмас, бастакорлар, олимлар ҳам бор эди. Шогирдсеварлигининг асосида фақат битта сабаб кўраман: истеъдодларга йўл очиш, уларга кенроқ майдонларга чиқишга ёрдам бериш... Устоз бизга, тенгдошларимизга фақат оқ йўл берибгина қолмас, қўллаш имкони бўлган жойларнинг ҳаммасида қўлларди. Қимгадир Уюшмага кириш учун тавсиянома берган, қимгадир уйини бўлишига ёрдам берган, қимгадир китобининг чиқиши учун нашриёт билан гаплашган... Лекин биздан унга ҳаётлигида бирор манфаат бўлган, деб ўйламайман. Тўғриси, улар ўзини фақат истеъдодимиз учун эмас, ҳаётимиз, турмушимиз учун ҳам жавобгар деб биларди. Биласиз, ижод аҳлининг ҳаёти силлиқ кечмайди, гап-сўзларнинг ичида бўламиз. Бъязан бизга айтилиши керак бўлган "ширин" гапларини у киши биздан аввал эшитган бўлиши керак. Ҳарна бўлганда, шогирдларини ҳимоя қиларди. Ўша пайтларда опанинг бизга меҳрини оддий, шундай бўлиши керақдай қабул қилганми. Вақтлар ўтиб билимми, устозлик осон иш эмас экан. Мен бир муддат "Тулчехрлар" газетаси қошида тўғрақ очиб, икки ҳафтада бир кун машғулотлар ўтдим. Тўғриси айтиб қўя қолай, меҳнатига чидамим. Яроқли, яроқсиз тизмаларни ўқиш, тузатиш, маслаҳатлар бериш, нашрларга тавсия қилиш... Бошларим овлаб кетди-да, воз кечиб қўя қолдим. Шундан буён фақат олдими келганларига қўлимдан келган ёрдамимни бериб юраман ва ҳар гап шоирамизни устозлик машаққатларига бардош бергани учун дуо қиламан. Хотиралар ёзганимиз, гапирганимиз, фильмлар яратилди. Садокатли шогирдлари Мухтасара китоб ёзди (бундан руҳлари жуда шод бўлгандир, чунки бу шоиранинг ўзи билан кетган армонларининг ушалгани-да), лекин барибир у кишининг олдига қарзларимиз кўп.

— Улуғ устозларнинг "Оқ йўл"ига сазовор бўлиш бахт. Лекин бу эътирофнинг масъулияти ҳам қанчалар бўлади...

— Шоирага шеърларимни илк бор 1976 йил август ойида кўрсатганман. "Менга шеърларингиздаги ижтимоий руҳ ёқди, аксарият қиларимиз муҳаббат мавзулари атрофида ўралашиб қолади, шу йўналишда маҳкам тур", деди. Ўша йилнинг ноябрь ойида бир туркум шеърларим опанинг "Оқ йўл"и билан "Саодат" журналида чоп этилди. Кейинчалик устоз менинг шеърларим ҳақида "Журъатли қизгалдоқ" сарлавҳали мақола ёзди. У шоиранинг "Сайланма" асарларининг 3-томида нашр қилинган. Бу мақолани бир яхши китоб қилсам, сўзбоши сифатида берман, насиб қилса. Бошқаларни билмадим-у, менга шеърят борасида ҳам, турмуш борасида ҳам ўз муносибатини айтган.

Бировни чайнаб, оғзини қирлатиб ўтирмасди. Устознинг ижоди билан яхши таниш бўлган китобхонлар унинг Жаҳон отин Увайсий газагага боғлаган "Кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди" мухаммасини билишади. Опанинг "Уни Фарход дер эдилар" (гарчи бу дoston санъаткорга бағишланган бўлса-да) асари ҳам бор. Агар "Хамса" ни, Фарход образини яхши билмаганида бу исмини сарлавҳага чиқармасди.

— Бир кун Зулфияхонимдан шогирдлари: "Нега бошқалар каби турмуш ўртоғингиз ҳақида кўпроқ хотираларингизни ёзиб қолдиришга ҳаракат қилмайсиз?", деб сўраганида, опа жиламайиб: "Улар маним, ёлғиз ўзимнинг бойлигим, хотираларимдир. Бу ҳақда бошқаларга гапиришга ҳаё қиламан", деган экан. Шоиранинг шарқона латофати, юзидagi ибоси, ўзига хос ҳаёт тутумлари ҳақида ҳали ҳеч қимга айтмаган хотираларингиз борми?

— Сиз айтган фикрни шоира Мухтасара Улуғова устозимиз ҳақида ёзган "Муҳаббат саройида мангу қолганлар" китобида келтирган. Демак, уларнинг ораларида шундай сўхбат бўлган. Лекин яна бир ҳақиқат борки, Зулфия опам "Менинг Ойбегим", "Чорак аср ҳамнафас" китоблари ҳақида доим хурмат, ҳавас билан гапирарди. "Мен ҳам Ҳамид Олимжон ҳақида шундай бир китоб ёзишга бурчлиман", мазмунда гапиргани эсимда. Айнан шундай демаган бўлиши мумкин. Лекин бевақт ҳалок бўлган турмуш ўртоғи, қолаверса, ўзига устоз деб билган инсонини, ниҳоятда мураккаб бир даврда раҳбарлик лавозимларида ишлаган шахс ҳақида асар ёзишни оруз қилгани рост. Ҳатто саксон ёши арафасида Ҳамид Олимжонга бағишлаб дoston ҳам ёза бошлаган эди. Менга бу дostonнинг ҳали ёзувга тушмаган мазмунини сўзлаб берган эди. "Бошдан охиригача ҳаёлий сўхбат бўлади, энг сўнгида шоирни ўзининг ҳайкали қошига бошлаб келаман", деган эди. Озгина қораламаси оддий иш дафтарига ёзилган эди. Мен кейинчалик бу ҳақда Ойдин Ҳожиёвага айтганман. У шоиранинг қизлари Хулқар опамдан бу ҳақда сўраганида: "Бундай асар аямнинг қўлёмалари ичида йўқ", деган экан.


Зулфия опанинг бир одати бор эди: агар ёзганидан кўнгли тўлмаса, бошдан бошламоқчи бўлса, аввалгиларини асраб ўтирмасди, йиртиб ташларди. Балки бу дostonнинг тақдирини ҳам шундай бўлганлар. Яна билмадим, қўлёмалари Ҳамид Олимжоннинг исми бўлса... йиртигани ҳам ишонгим келмайди. Чунки опа шоирнинг ўзи, исмигагина эмас, у туғилган юртга ҳам садоқат сақларди. Умрининг охиригача ўзини Жиззахнинг келини ҳисоблади. Жиззахдан, Ҳамид Олимжоннинг қариндошларидан бирор йилнинг ахабар келса, ўзи бора олмаган жойга, ҳеч йўқ, қазиб ё ёғлини юборар эди. Агар Ҳамид Олимжон ҳақида асар ёзишга улғурга олган бўлса, бу китоб учун материал етишмагани ё маҳорат масаласи билан эмас, шунчаки Зулфия опанинг ҳаддан ташқари банд бўлгани билан боғлиқ бўлса керак. Бош муҳаррирлик, депутатлик, жамоат ишлари...

Саволдан сал чалғидим, шекилли. Аслида сиз саволни бошқача қўйгансиз. Опадаги

Жамалаксоч қизлар бойчечак ишқиди қиларга югура бошлаган эрта баҳор кезлари ўша машхур мисралар тилимизда айлана бошлайди: "Бинафша лабида, ерларда баҳор...". Сарин шабоддалар гир-гир кеза бошлаган ифори дaмлaр Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллуд топган кун билан чамбарчас боғлангани ҳам Яратганнинг бир иноятидир балки... Ҳаволар тозариб, кўнглилар байту ўлан сари ошиққан қўкма палласида нафақат вафо ва садоқат қўйчиси, балки жамият пўртаналарига "елка тутган" жасоратли қалб эгаси шарафига мушарраф бўлган шоирамизнинг азиз хотирасини қўмасдик. Ўзбекистонда шоират кўрсатган маданият ҳодими, семимли хизматчи Қутлибека РАҲИМБОЕВА билан ўтган асарининг энг машхур аёлларидан бири — Зулфия Исроилова Яратган ўзига хос руҳият пойдевори, таниқли жамоат арбобининг қатъий мезонлари ҳақида сўхбатлашдик.

— "Кўнгул жон бирла борди ҳамроҳинг, мен дард ила турдум. Сенга жон бирла кўнгулмни, сени Тангрига топширдим..." Навоийшунос оlima Суйима Ганиева: "Урашувлардан бирида Зулфияхоним ўз ёзувларида ушбу мисралар ёзилган қоғозни қўлимга тутқазган", дея эслайди. Қутлибека опа, сўхбатимиз аввалида устоз шоирамизнинг мумтоз адабиётга бўлган меҳру эътибори ҳақида гаплашсак...

— Зулфия опам умри давомида жуда катта давраларда юрган. Фақат юртимизнинг эмас, қардош республикалар, боз устига, жуда кўп хоризий давлатларнинг олимлари, шоирлари, сиёсатдонлари билан юзма-юз сўхбатлар қўрган. Опанинг гурури жуда баланд эди. Қайсибир даврда адабиёт, тарих борасидаги баҳсларда қимгадир энглишчи шоира, ношир сифатида кўнгли қўтармасди, ўзига эп билмасди. Албатта, мумтоз адабиёт, умуман, Шарку Фарб адабиётини, ўзимизнинг, қолаверса, дунё тарихларини ўқишига шу соҳага қизиқиши ҳам сабаб бўлгани, шубҳасиз. Лекин давраларда тенглар ичра тенг туриш учун ҳам устозимиз кўп ўқиган бўлса керак. У киши мумтоз адабиётимизни яхши биларди, дея ишонч билан айтишига бир неча сабаб бор. Биринчидан, опа қўлёмаларини эски ёзувда ёзарди. Шеърлар ҳам, публицистика, оддий қораламалар ҳам аввал эски ёзувда ёзилиб, сўнг қириллага қўчирилларди.



Баъзан: "Қирилла ҳам яхши ёзасиз-у, икки иш қилмай, шу ёзувда ёзиб қўя қолсангиз бўлмайдими?", десам: "Менга эски ёзув қулайроқ, шу ёзувда ёзсам, тез фикрлайман, хаёлим сочилмайди", дер эди.

Демак, бу ёзувда битилган асарларни ҳам маза қилиб ўқиган бўлса керак. Қолаверса, опа Суйима Ганиева, Фозила Сулаймонова, Сабоҳат Азимжонова каби ўта биллимдон аёллар билан яқин эди. Агар ўзи ҳам мумтоз адабиётни кўнглидагидек билмаса, бу опамалар билан яқин бўлиши мумкин эмасди. Бир-бировларни учун зерикари сўхбатдош бўлишдан нима наф? Бу аёллар "айти-деди" қилганидан одамлар сираксидан бўлмаса... Зулфия опанинг-ку, ғийбатга, умуман, тоқати йўқ эди.